

Ердаги ажойботлар | Тазкия дарслари (342-дарс)



19:00 / 23.08.2025 2503

«**Ва осмоннинг қандай кўтарилганига**» назар солмайдиларми?

Осмон ҳам ҳамма жойда барчанинг назари тушиб турадиган нарса. Лекин унинг улканлиги, ичидаги нарсаларнинг кўплиги, интизоми ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларига ибрат назари билан, ақлни ишлатиб қараган инсон Аллоҳ таолонинг қудратига тан бермай иложи йўқ.

«**Ва тоғларнинг қандай ўрнаштирилганига**» назар солмайдиларми?

Тоғлар ҳам ўз салобати ила ҳамманинг назарига тушиб турадиган нарса. Уларнинг тузилиши, сир-асрори, ажойботлари ҳам ақлни ишлатган, эътибор назарини солганларни Аллоҳга иймон келтиришга ундайди.

«Ва ернинг қандай текислаб қўйилганига» назар солмайдиларми?

Ердаги ажойиботлар доимо ақлли кишиларни иймонга йўллаб келган. Ким эътибор назари билан қараса, кўп нарсани топади.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг сийратлари, суннатлари ва ҳадисларида ҳам тааммул ўз ўрнини топган. Набий алайҳиссалом ваҳий келишидан аввал Ҳиро ғорида айнан тааммул билан машғул эдилар.

Шунингдек, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг кечалари ўқийдиган намозлари айнан тааммулга бойлигини кўпгина ривоятлардан англаб оламиз.

Ўтган салафи солиҳларимиз тааммулга алоҳида муносабатда бўлганлар.

Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қиладилар:

«Абу Шурайҳ юриб кетаётиб, бирдан тўхтаб, ўтирди ва кийимига бошини ўраб йиғлай бошлади.

«Сени нима йиғлатди?» дейилди.

«Умримнинг ўтиб қолганини, амалимнинг озлиги ва ажалимнинг яқинлигини тааммул қилдим», деди».

Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳи: «Аллоҳ азза ва жалланинг неъматлари ҳақида тааммул қилиш энг афзал ибодатлардандир», деган.

Фузайл ибн Иёз раҳматуллоҳи алайҳи:

«Қуръон унга амал қилиш учун нозил қилинган, одамлар бўлса унинг қироатини амал қилиб олдилар», деди.

«Унга амал қилиш қандай бўлади?» дейилди.

«Ҳалолани ҳалол, ҳаромини ҳаром қилиш билан, амрига бўйсунуш ва қайтарганидан қайтиш билан ҳамда унинг ажойиботларини тааммул қилиш билан», деди.

Абу Сулаймон Дороний раҳматуллоҳи алайҳи: «Уйимдан чиққанимда кўзим нимага тушса, албатта, унда Аллоҳнинг неъматини ва мен учун ибрат борлигини тааммул қиламан», деган.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.